

ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ ВА ШАХС КАМОЛОТИ

Кузиева Динора Баходировна

ТМИ магистранти

Биологик мавжудотлар орасида онг ва тафаккур ҳамда иккинчи сигнал системасига эга ягона тур - «Homo sapiens», яъни «Ақлли одам»дир. Унинг филогенетик жамғармасида ундан қуйроқ эволюция босқичида турувчи барча зоологик индивидларга хос яхши ва ёмон белгилар сақланиб қолган. Гап бу муҳтарам тур вакиллариининг ўз онтогенезида ушбу белги ва хусусиятлардан қайси бирларини ва қандай юзага чиқаришида қолган, холос.

Инсон зоти борки, унинг ҳар бирида ўзига хос талант, истеъдод ва иқтидор бўлади, албатта. Афсуски, бундай қобилият икки йўналишда намоён бўлади: яхшилик ва эзгуликка ёки ёвузлик ва ваҳшийликка қаратилган хатти-ҳаракатлар. Цивилизациянинг энг катта ютуқларидан бири – жамият ҳаётининг барча жабҳаларида инсон омилининг етакчи кучга айланишидир. Энг муҳими, инсон аниқ мақсад сари интилса, унга барча шарт-шароит яратиб берилса, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилса, у энг юксак марраларни эгаллашга қодир бўлади. Инсоннинг яратувчилик ва бузғунчиликдек қарама-қарши ва зиддиятли фаолиятини назорат қилиш ва тартибга тушириш учун узоқ йиллар давомида кўплаб чора-тадбирлар ўйлаб топилди ва амалиётда синаб кўрилди. Одоб-ахлоқ нормалари, юриш-туриш тартиб-қоидалари, турфа кодекслар, қонунлар ва кўрсатмалар шулар жумласидандир. Инсоннинг прогрессив ва регрессив куч тарзидаги феномени бугунги кунда исбот талаб этмайди/1/.

Инсон боласининг бу фоний оламдаги дастлабки одимлари оиладан бошланади, чунки оила – тарбиянинг илк куртакларини яратади ва янги авлодга ҳада этади. Соғлом муҳитга эга бўлган оилалар - тарбияси, одоб-ахлоқи ва ҳулқи мақбул фарзандларни камол топтиришнинг кафолатидир. Ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим ва тарбияси учун бош жавобгарлар – устоз ва мураббийлардир/2/.

Инсон боласининг камолга етишида қадриятларнинг алоҳида аҳамияти бор. Қадриятларнинг қадрига етмаган одам ўз қадрига ҳам етмайди, албатта. Маълумки, қадриятлар ўз мазмунига кўра моддий ва маънавий, кўламига кўра эса миллий ва байналмилал гуруҳларга бўлинади. Олий даражадаги моддий қадриятларга сахий Қуёш, она Ер, ҳаво, сув, нон, фойдали казилмалар, асори атиқалар, мева-чевалар, бешик ва исирик кабилар мисол бўлса, бебаҳо асарлар, ажойиб санъат дурдоналари, халқ оғзаки ижодининг маҳсуллари, дилрабо куй ва қўшиқлар маънавий қадриятлардир. Ёруғ оламга кўз очган дилбандлар дастлаб олий даражадаги моддий қадриятлар ҳисобланмиш ҳаво, она сути ва сувдан баҳраманд бўладилар. Сўнгра бошқа пластик (организм учун зарур қурилиш ашёлари) ва энергетик (организмнинг тана ҳарорати ва барча саъй-ҳаракатлари учун қувват берувчи) моддаларни ўзлаштириш ва ўзгартиришга ўргана боради. Ота ва онанинг ўз фарзандларини ҳалол лўқма билан боқишлари муҳим омиллардан биридир. Болаларнинг жисмонан, ақлан ва маънан соғлом бўлишлари кўп жиҳатдан уларнинг экологик тоза таъминланишига боғлиқ. Бундай таъминот, энг аввало, ҳаво, тупроқ, сув ва бошқа моддий омилларнинг софлиги билан белгиланади. Одам боласи ейиш учун эмас, балки яшаш учун ейиши, яъни тўлақонли озуқа рацион билан таъминланиши лозим. Чунки инсоннинг ўсиши ва ривожланиши учун моддий ва энергетик таъминот лозим. Ўсиш – миқдор ўзгаришлари (бўй-баст, вазн, куч – қувват маъносида) бўлса, ривожланиш – сифат ўзгаришларидир (ҳомила даври, эмбрионал ҳолат, чақалоқлик, болалик, ёшлик, ўсмирлик, жинсий балоғат, навқиронлик, ақлий комилликка эришиш, таълим ва тарбия олиш, касб – ҳунар эгаллаш, меҳнат қилиш малакасини ўзлаштириш, ўрта ёшлик, кексалик боқичларини бошдан кечириш кабилар).

Одамзотнинг ирсий жамланмаси ўзгармас бойлик ҳисобланса, унинг ҳаёти давомида орттирадиган барча ахлоқий, маърифий, маданий, маънавий, илмий, методик, касбий ва бошқа жамғармаси бутун умри давомида шакллана боради/3/.

Маълумки, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «ўзбек модели»нинг бешта компоненти кўрсатилган: 1.Шахс. 2.Давлат ва жамият. 3.Узлуксиз таълим. 4.Фан. 5.Ишлаб чиқариш. Шунинг ўзи ҳам инсон омилининг дунёвий аҳамиятини исботлаб турибди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз асарларида қайта-қайта таъкидлаганидек, ислохотлар фақат инсон учун, унинг манфаати учун хизмат қилиши лозим ва бунда инсоннинг ўзи бош фигура ролини бажариши лозим. Дарҳақиқат, агар инсон бўлмаса эди, на давлат, на жамият, на таълим, на фан ва на ишлаб чиқариш бўлар эди, бу оламда! Бас, шундай экан, мақсад ва вазифаларга ойдинлик киритайлик: 1.«Барча нарсаси инсон учун, унинг манфаати учун», шиорини амалиётга татбиқ этиш. 2.«Яратиш, ва яна яратиш, ижод ва бунёдкорлик» қабилида иш юритишни кундалик одат ва тартиб-қоидага айлантириш. 3.Қадриятларга ҳурмат ва эъзоз, инсоннинг ўзини олий қадрият тарзида тан олинишини аجدодлардан авлодларга бекаму кўст етказиш. 4.Инсон феноменида мавжуд бўлган ботиний иллатлардан қутилиш йўлини қидириб топиш ва йўл қўйилган хато ҳамда камчиликлардан ижобий сабоқ чиқариш. 5.Инсон омилининг барча тамойиллардан устуворлигини амалда исбот этиш ва ундан бугунги кун учун дастуриламал тарзида самарали фойдаланиш. 6.Кечаги кун ва эртанги истиқбол учун мавжуд вазиятдан оқилона иш тутиш орқали сабоқ олиш ва келгуси фаолият мақсадида методологик мўлжал сифатида фойдаланиш.

Таълим ва тарбия жараёнларини тўғри ташкил этиш-ўта муҳим ижтимоий масаладир. Тўғри ва тўлақонли тарбия топган ҳамда кучли билим ва касб-ҳунар соҳиблари жамиятнинг ривожлантирувчи кучи ҳисобланади. Улар аҳоли сонининг ортиши билан боғлиқ глобал (умумбашарий) муаммоларни ечишга қодирдир. Озиқ-овқат, энергия таъминоти ва соғлиқни сақлаш сингари долзарб уч муаммонинг тўғри ва илмий-ижобий ечими ҳам жамият аъзоларининг онглилик, уқувлилик, малакалилик, билимдонлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби фазилатларига боғлиқ. Инсоннинг жисмоний шахс сифатида эмас, балки антропоген, аникроғи, техноген омил

сифатидаги мавқеини кўтариш, яъни унинг ақл-заковати билан яратиладиган соҳалардан унумли фойдаланиш (электроника, автоматика, робототехника, компьютерлаштириш, нанотехнологиялаштириш ва бошқалар), чиқитсиз ва чиқиндисиз технологияни кенг йўлга қўйиш, аграр соҳада ҳосилдорлик ва маҳсулдорликни ошириш эвазига озиқ-овқат муаммосини ечиш, олинган ҳосил ва маҳсулотдан максимал даражада фойдаланиш йўллари топиш, касаллик ва ҳаёт учун хавф-хатарли омилларни енгишнинг кимёвий, биологик ва биотехнологик ечимларини йўлга қўйиш, субъект сифатида инсон шахсининг баъзи жузъий нуқсонларини антропоген ҳосила сифатида бартараф этиш, жонли ва жонсиз табиат ўртасида мақсадга мувофиқ мувозанатни шакллантириш, цивилизация ютуқларини суиистеъмол қилмасдан ва ортиқча эҳтиросларга берилмасдан инсон феноменининг аксиологик ва репродуктив ҳамда интеллектуал потенциалидан ўринли фойдаланиш орқали истиқболли вазифаларни белгилаш ва ундан мақсадга мувофиқ равишда ҳўжалик юритишда манфаатдор бўлиш кабилар диққат марказида туриши лозим.

Узлуксиз таълим тизимида ислоҳотлар шиддатли давом этиб турган ҳозирги даврда таълим ва тарбия жараёнини шаклан ва мазмунан такомиллаштириш зарурати кун тартибидаги асосий ва бош масала бўлмоғи ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлиги янада кучайтирилмоғи лозимдир. Умуман, таълим ва тарбияда инсон омили жуда муҳим компонент бўлиб, мафкура полигонларида бўшлиқ бўлмаслигини таъминлайдиган қудратли куч сифатида майдонга чиқиши зарур. Ёшларнинг умуминсоний ва миллий қадриятлар негизидаги дунёқараши илмий ва дунёвий билимлар билан омикталаштирилганда кўзланган мақсадга эришилади.

Шахс камолотида оила, мактаб (таълим муассасаси) ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигини инкор этмаган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, энг олдинги позицияда таълим ва тарбия жараёнлари туради. Шунинг учун ҳам ижтимоий-иқтисодий тараққиёт негизини таълим ва тарбия ташкил этади, деб эътироф этилиши - объектив ҳақиқатдир.

Адабиётлар

- 1.Омонов Ҳ.Т., Рустамов Б. Глобаллашув шароитида инсон прогрессив ва регрессив куч сифатида./ “Хўжалик алоқаларининг глобаллашуви шароитида иқтисодиётни модернизациялаш хусусиятлари: халқаро, миллий ва минтақавий (регионал) муаммолар” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ТМИ, 2008. –Б. 15-17.
- 2.Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг байрам табриги. // “Соғлом авлод учун” журнали, 2012, №9. –Б. 2-3.
- 3.Назаров А. Халқ – таълим маданияти ижодкори. // “Халқ таълими” журнали, 2012, № 6. –Б. 115-116. –Б.115-116.